*Мардлик, жасорат ва фидойилик эътирофи.*

*Инвестициявий жозибадорлик ва ишлаб чиқариш салоҳияти.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

**Ғуломов Зухриддин Шамсиддинович** (марҳум) – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Жуманиязов Илхом Аширбаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи секцияси командири

**Закиров Шерзод Алишерович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг гуруҳи взвод командирининг ўринбосари

**Зохидов Рустам Хамроевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Иргашев Бахром Ильхомджонович** (марҳум) – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби чегара района штаби бошлиғининг ўринбосари

**Кодиров Ахмаджон Хатамбоевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Кудратов Доврон Бахромович** – Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили

**Кушаков Фарход Хасанович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Қозоқов Салоҳиддин Нуридинович** – Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми бўлинмаси командири

**Маматраимов Урол Маматмуродович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Маннапов Джахангир Бахадирович** – Давлат божхона қўмитаси Тошкент шаҳар божхона бошқармаси контрабандага қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили

**Мансуров Голиб Мустафақулович** – Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ёрдамчиси

**Мирзаев Темурмалик Нагматилло угли** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳи йўриқчиси

**Муродов Дилшод Солихжонович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Тез ҳаракат қилиш республика кўп тармоқли маркази йўриқчи-қутқарувчиси

**Надиров Мирзабек Эшбаевич** – Самарқанд шаҳар Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими бўлинмаси бошлиғи

**Нажметдинов Зухриддин Икрамович** – Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми бўлинмаси командири

**Неъматов Икболжон Исмоилович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Отажанов Батир Наримбаевич** – Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Отамирзаев Улугбек Абдугофурович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм мутахассиси

**Рахманов Акмал Рашидович** – Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Раҳмонов Элёр Илёсович** – Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Романов Сабит Азатович** (марҳум) – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби бошқармаси хизмати бошлиғи

**Сафаров Феруз Саматович** – Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Темиров Аззам Янгибоевич** – Давлат божхона қўмитаси Жиззах вилояти божхона бошқармаси контрабандага қарши курашиш бўлими бошлиғи

**Тоғаев Тулқин Асадиллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

**Усманов Аскар Шукуруллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Файзиев Акбаржон Аминович** (марҳум) – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хамзаев Жамолхон Махаматсолиевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳи командири

**Хасанов Дилшоджон Рахмитдинович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Чориев Элёр Ахматович** (марҳум) – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби хизмати бошлиғи

**Шарипов Азизбек Рустамович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Эргашев Дилшод Васиевич** – Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Юлдашов Зарипбай Курбанбаевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Юнусов Нодирбек Абдужаборович** (марҳум) – Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Якубов Султан Нематжанович** (марҳум) – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ бўлими катта офицери

**"Содиқ хизматлари учун" медали билан**

**Абдиев Аброр Абдумуталович** – Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Аденов Бекзод Эркабоевич** – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Махсус авария-тиклаш бошқармаси бошлиғи

**Акрамов Хайрулло Расулжонович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти кафедраси катта ўқитувчиси

**Аракелов Андраник Геннадьевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби Бош бошқармаси бўлими катта офицери

**Асроров Хуршидбек Комилович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм хизмати катта муҳандиси

**Ахмадиллаев Фазлиддин Низомиддинович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби бошқармаси бўлими катта офицери

**Ахроров Умеджон Зайнуллоевич** – Самарқанд вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси тиббий-биологик муҳофаза бўлинмаси бошлиғи

**Ачилов Наби Мамараимович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

**Бабаходжаев Равшан Тавакалович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлинмаси бошлиғи

**Белоглазов Дмитрий Валерьевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Вакилов Акбар Рахматуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби взводи назоратчиси

**Еркебаев Андрей Темирович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Исанов Валерий Рахимович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бошлиғининг ўринбосари

**Исмонов Анваржон Абдуманнобович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм секцияси командири

**Каршибаев Юсуфали Джумакулович** – Қарши ҳарбий госпитали бўлинмаси бошлиғи

**Киличов Нормумин Назарович** – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси кафедраси бошлиғининг ўринбосари

**Кучкаров Шухратжон Кузиевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бўлинмаси бошлиғи

**Матанов Рахматулло Каримович** – Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи

**Махматмуродов Собир Бекмуродович** – Навоий вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Обидов Асхат Замирович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Пардаев Акрам Абдувахобович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби взводи командирининг ўринбосари

**Пормонов Бахтиер Пулотович** – Транспортдаги Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Ражабов Отабек Аликулович** – Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жазони ижро этиш колонияси бўлими бошлиғи

**Рустамов Илхомжон Хамроевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти кафедраси катта ўқитувчиси

**Сапаров Акрам Умирзакович** – Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ёрдамчиси

**Султонов Эрмат Эргашевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Тиркашев Отабек Шерматович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм штурман-учувчиси

**Тошев Анвар Рахмонович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ хизмати бошлиғи

**Турғунбоев Нодир Турсунович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Турсунов Шухрат Ҳамроевич** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм тиббиёт пункти хирург-шифокори

**Узаков Мухиддин Исмоилжонович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Халимов Шерали Абдугафарович** – Тошкент вилояти Янгийўл тумани ички ишлар бўлими эксперт-криминалистика бўлинмаси бошлиғи

**Хасанбаев Рустам Хабибуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош бошқармаси бўлими бошлиғи

**Эрманов Адхам Рахматуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Эрназаров Азизжон Хасанович** – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьяси

**Эшанкулов Алишер Пардабаевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Юсупов Атахан Янгибаевич** – Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**"Шуҳрат" медали билан**

**Адашев Акмалжон Шермирзаевич** – Наманган шаҳар Ички ишлар бошқармаси қўриқлаш бўлими милиционери

**Адизов Рустам Туймуродович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Азимов Махсудали Мухторович** – Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Фарғона вилояти Учкўприк тумани ўқув спорт-техника клуби бошлиғи

**Алишаев Собир Турсунбоевич** – Самарқанд ҳарбий суди раиси

**Алламуротов Эркин Шайманович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи мутахассиси

**Ашуров Уктам Рустамович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Бердимуродов Мансур Умидуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи секцияси командири

**Бойкобилов Низомжон Абдукодирович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Буриев Вохид Суюнович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командирининг ўринбосари

**Гуфранов Алибек Абдурахимович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлими катта офицери

**Джураев Умид Зафарович** – Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Техник ва амалий спорт турлари республика маркази бош мутахассиси

**Дўсалиев Шухратжон Толибжонович** – Бухоро ҳарбий суди раиси

**Жалилов Отабек Холмуродович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Жумабаев Собиржон Эшпулатович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги махсус отряди катта мутахассис-кинологи

**Зиядуллаев Анвар Закиржанович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи мутахассиси

**Имамходжаев Аскар Хакимович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Иняминов Ахтамхон Эсанович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Божхона тарифларини тартибга солиш ва тўловлар ҳисобини юритиш бош бошқармаси бошлиғи

**Кабилжанов Бахтиёр Рустамович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Қобилов Фахриддин Маҳмадолиевич** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм катта техниги

**Кодиркулов Хуршид Холмуминович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Курайшев Шерзод Шахабитдинович** – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Махсус авария-тиклаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Мамаев Аскар Алибаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Маматов Акмал Равшанович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти кафедраси мудири

**Маматов Ўткир Бахтиёрович** – Бухоро вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Бухоро шаҳар фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи

**Матмусаев Музаффаржон Соткиналиевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ниезов Тулкинжон Эргашевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи секцияси командири

**Пулатов Саид Шарифович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

**Рамазанов Исмат Исмаилович** – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Махсус авария-тиклаш бошқармаси Марказ бошлиғининг ёрдамчиси

**Рахимджанов Дилшод Абдуллаевич** – Давлат божхона қўмитаси Тошкент вилояти божхона бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Рузиев Ислом Юсуфович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Солиев Улуғбек Абдувалиевич** – Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Тошбеков Охонжон Расулжонович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Хонсаидов Мухсинали Махамадалиевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби бўлими бошлиғи

**Хусанова Сумбула Исламовна** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти катта ўқитувчиси

**Шакирова Гульнора Рафиковна** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штабининг бўлими етакчи мутахассиси

**Юсупов Жамолбек Зокир-ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Яхъяев Отабек Гайратович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 12 январь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

# "УРГУТ", "ҒИЖДУВОН", "ҚЎҚОН" ВА "ҲАЗОРАСП" ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

мева-сабзавот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлаш, тўқимачилик, гилам тўқиш, пойабзал ва чарм-галантерея, экологик жиҳатдан хавфсиз кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, электротехника саноати, машинасозлик ва автомобилсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа йўналишларда янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;

маҳаллий хомашё ва материаллар негизида мустаҳкам кооперация алоқаларини ўрнатиш ҳамда эркин иқтисодий зоналар корхоналари ўртасида ва умуман республикада саноат кооперациясини ривожлантириш асосида юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва маркировка қилиш бўйича халқаро стандартларга мувофиқ илмий-ишлаб чиқариш марказлари ташкил этиш ва уларнинг қарорлари халқаро даражада эътироф этилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

"Ургут" ЭИЗ, "Ғиждувон" ЭИЗ, "Қўқон" ЭИЗ ва "Ҳазорасп" ЭИЗнинг фаолият кўрсатиш муддати, кейинчалик уни узайтириш имконияти билан 30 йилни ташкил қилади;

фаолият кўрсатиш муддати мобайнида "Ургут" ЭИЗ, "Ғиждувон" ЭИЗ, "Қўқон" ЭИЗ ва "Ҳазорасп" ЭИЗ ҳудудларида алоҳида солиқ, божхона ва валюта режими амал қилади.

5. Эркин иқтисодий зоналар Маъмурий кенгашининг янгиланган таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Эркин иқтисодий зоналарнинг янгиланган Маъмурий кенгаши зиммасига "Ургут" ЭИЗ, "Ғиждувон" ЭИЗ, "Қўқон" ЭИЗ ва "Ҳазорасп" ЭИЗга нисбатан маъмуриятчилик қилиш функциялари юклансин.

6. "Ургут" ЭИЗ, "Ғиждувон" ЭИЗ, "Қўқон" ЭИЗ ва "Ҳазорасп" ЭИЗ қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сонли Фармонининг 3-, 4- ва 5-бандлари қоидалари татбиқ этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сонли Фармонининг 3-, 4- ва 5-бандларида назарда тутилган божхона тўловлари, солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларни қўллашнинг соддалаштирилган тартибини тасдиқлаш учун киритсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда "Ургут" ЭИЗ, "Ғиждувон" ЭИЗ, "Қўқон" ЭИЗ ва "Ҳазорасп" ЭИЗ дирекцияларини ташкил қилсин ҳамда "Ургут" ЭИЗ, "Ғиждувон" ЭИЗ, "Қўқон" ЭИЗ ва "Ҳазорасп" ЭИЗ дирекцияларининг уставларини ва Эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги ягона Низомни тасдиқлаган ҳолда, улар фаолиятини ташкил этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

Белгилансинки, эркин иқтисодий зоналар дирекциялари эркин иқтисодий зоналарнинг Маъмурий кенгаши қарорлари ва эркин иқтисодий зоналарнинг ишлаб чиқилган бош режалари бўйича маъқулланган инвестиция лойиҳаларини жойлаштирадилар ва эркин иқтисодий зоналар дирекцияларида "ягона дарча" тамойили бўйича муҳандислик-телекоммуникация инфратузилмаси тармоқларига уланишга барча зарур рухсатномалар берилишини ташкил қиладилар.

8. "Ургут" ЭИЗ, "Ғиждувон" ЭИЗ, "Қўқон" ЭИЗ ва "Ҳазорасп" ЭИЗ дирекциялари эркин иқтисодий зоналарнинг бутун фаолият кўрсатиш даврида солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинсин.

9. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги, "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АК, "Ўзавтойўл" ДАК ҳамда республика ва ҳудудий даражадаги муҳандислик-коммуникация хизматлари кўрсатувчилар эркин иқтисодий зоналарнинг қатнашчилари – хўжалик юритувчи субъектларнинг коммуникацияларга, уларни ишлаб чиқариш майдончаларига ўз вақтида туташтирган ҳолда, кафолатли уланишини таъминлайдилар.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги, "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АК, "Ўзавтойўл" ДАК, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ, Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Хоразм вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда "Ургут" ЭИЗ, "Ғиждувон" ЭИЗ, "Қўқон" ЭИЗ ва "Ҳазорасп" ЭИЗ ҳудудларида транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш дастурини тасдиқлаш учун уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурларини шакллантиришда уларнинг параметрларида эркин иқтисодий зоналарнинг транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш учун, уларнинг ишлаб чиқилган бош режалари асосида капитал қўйилмалар лимитларини ҳамда зарур марказлаштирилган инвестициялар ажратилишини назарда тутсинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг "ЎзшаҳарсозликЛИТИ" давлат унитар корхонасини "Ургут" ЭИЗ, "Ғиждувон" ЭИЗ, "Қўқон" ЭИЗ ва "Ҳазорасп" ЭИЗнинг бош режаларини ишлаб чиқиш бўйича бош лойиҳалаш ташкилоти этиб белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

"ЎзшаҳарсозликЛИТИ" давлат унитар корхонаси уч ой муддатда "Ургут" ЭИЗ, "Ғиждувон" ЭИЗ, "Қўқон" ЭИЗ ва "Ҳазорасп" ЭИЗнинг бош режаларини ишлаб чиқсин ҳамда эркин иқтисодий зоналарнинг Маъмурий кенгаши билан келишган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритсин.

12. "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Давлат божхона қўмитаси "Ургут" ЭИЗ, "Ғиждувон" ЭИЗ, "Қўқон" ЭИЗ "Ҳазорасп" ЭИЗ ва "Жиззах" ЭИЗ ҳудудларида логистика марказлари ҳамда божхона постлари ташкил этиш юзасидан бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

13. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига ва бошқа тижорат банкларига ташкил этилаётган эркин иқтисодий зоналар ҳудудларида амалга ошириш таклиф этилаётган инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш учун ўз маблағлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолати берилмаган ҳолда жалб этилган хорижий кредит линиялари ҳисобига кредитлар ажратиш тавсия этилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сонли Фармони 6-бандининг биринчи хатбоши ва Фармон иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сонли Фармонига 2-иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқувчи ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 12 январь

*14 январь – Ватан ҳимоячилари куни мамлакатимизда кенг нишонланмоқда.*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳарбий шаҳарчаларда замон талабларига жавоб берадиган ижтимоий-маиший шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда комплекс дастурлар амалга оширилмоқда. Ана шу дастурлар доирасида 15 мингдан ортиқ ҳарбий хизматчилар оиласи уй-жой билан таъминлангани, айниқса, эътиборлидир.

Ҳеч шубҳасиз, биз бу йўналишдаги тизимли ишларни келгусида ҳам изчил давом эттирамиз.

Мустақиллик йилларида Қуролли Кучлар устидан фуқаролик назоратини амалга ошириш бўйича самарали механизм ишлаб чиқилди. Бу механизм миллий армия фаолиятида очиқликни таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Шунингдек, ҳарбий қурилиш соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ҳарбий хизматчилар ва чақирув ёшидаги фарзандларимизни тарбиялашга фуқаролик институтлари ва жамоат ташкилотларини кенг жалб этишда муҳим роль ўйнамоқда. Мудофаа ва хавфсизлик масалалари бўйича Олий Мажлис палаталари қўмиталари, Мудофаа вазирлиги ҳузурида 2012 йилда ташкил этилган Жамоатчилик кенгаши бугунги кунда Қуролли Кучлар билан фаол ҳамкорлик олиб бормоқда.

Буларнинг барчаси миллий армиямизни халқимизга, халқимизни миллий армиямизга янада яқинлаштиришдек ғоят муҳим мақсадга хизмат қилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Қуролли Кучларимизни барпо этиш, унинг жанговар қудратини ошириш йўлида фидокорона меҳнат қилган ҳарбийларимизга, шу эзгу ишга ҳисса қўшган барча юртдошларимизга чуқур миннатдорчилик билдираман.

Муҳтарам дўстлар!

Ҳозирги вақтда жаҳонда ва минтақамизда ҳарбий-сиёсий вазият кескин ўзгариб, миллий ва глобал хавфсизлик соҳасида хатар ва таҳдидлар тобора кучайиб бормоқда. Ана шундай ўта масъулиятли вазият ва ҳаётнинг ўзи эришган барча ютуқларимизни, шу билан бирга, йўл қўйган камчиликларимизни чуқур ва танқидий таҳлил қилишни барчамиздан талаб этмоқда. Шу асосда миллий армиямизни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида пухта ўйланган ва изчил ҳаракатларни давом эттиришимиз даркор.

Биринчидан,миллий хавфсизлик каби ўта муҳим соҳани қонун талаблари асосида бошқариш самарасини ошириш бизнинг устувор вазифаларимиз қаторига киради. Афсуски, бу соҳадаги кўплаб ҳужжатларимиз ҳозирги давр талабларига жавоб бермаяпти.

Биз миллий хавфсизликни таъминлашда стратегик режалаштириш бўйича аниқ давлат тизимини барпо этишга объектив зарурат сифатида эҳтиёж сезмоқдамиз.

Ушбу тизимда доимо янгиланиб борадиган Миллий хавфсизлик концепцияси марказий ўринни эгаллаши шарт. Мазкур концепцияда Ўзбекистон ташқи сиёсатига хос мослашувчанлик ва очиқлик тамойиллари, бизнинг яқин қўшниларимиз билан конструктив муносабатларни ривожлантириш устувор вазифа экани акс эттирилиши даркор. Айни вақтда Ватанимиз мустақиллиги ва суверенитети, халқимизни маданий-тарихий ўзига хослигини асраш бўйича қатъий кўрсатмалар белгилаб берилиши керак.

Шу муносабат билан муҳим бир ёндашувни яна бир бор таъкидлашни ўринли, деб биламан: ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий база ва объектларини жойлаштиришга йўл қўймаслик, ҳарбий хизматчиларимизнинг хориждаги тинчликпарварлик операцияларида иштирок этмаслик сиёсатига содиқ қолиш бундан буён ҳам мамлакатимизнинг принципиал позицияси бўлиб қолади.

Жаҳонда ва минтақада вазиятнинг ривожланиш динамикасини ҳисобга оладиган бўлсак, вужудга келадиган хавф-хатар ва таҳдидларга муносиб зарба бериш зарурати, шунингдек, бизнинг устувор вазифа ва имкониятларимиз Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринасини қайта ишлаб чиқишни талаб этади.

Фақат ана шундай тизимли ёндашув биз учун миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасида ягона, мувофиқлаштирилган ва изчил стратегияни ишлаб чиқиш, мавжуд ресурс ва маблағларни устувор мақсадларга йўналтириш, уларни беҳуда сарфламаслик, иккинчи даражали вазифаларга чалғиб кетмаслик имконини беради.

Иккинчидан, Қуролли Кучлар қурилишининг ташкилий тизимини янада такомиллаштириш лозим. Ҳарбий қурилиш соҳасида тўпланган тажрибани ҳисобга олган ҳолда, ҳар қайси ҳарбий округнинг таркибий тузилиши ва вазифаларини аниқлаш даркор. Бу борада улардан айнан қайси вазифаларни ҳал этиш учун фойдаланиш кераклиги, қўшинларнинг қўлланиш ва шунингдек, операцияларни ўтказиш йўналишлари бўйича ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Шу билан бирга, бизнинг “ҳаво қалқонимиз” – Ҳаво ҳужумидан мудофаа ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўшинларини оптималлаштириш вазифаси ҳам катта эътибор ва ресурсларни сафарбар этишни талаб қилади.

Қисқа муддатда уларнинг ташкилий тузилиши ва бошқарув тизимини такомиллаштириш, шунингдек, уларни замонавий техника ва қурол-яроғ билан таъминлаш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш лозим.

Учинчидан, қўшинларни тайёрлаш борасидаги тадбирларни режалаштиришга оид янгича ёндашувни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу тадбирлар аввалламбор ҳарбий бўлинмаларга юкланган вазифаларга, уларнинг тайёргарлик ва таъминланиш даражасига мос бўлиши зарур.

Биз учун бу борадаги якуний мезон – амалий натижа, яъни, бутун эътиборни Қуролли Кучларнинг жанговар қобилияти ва тайёргарлигини реал оширишга, уларнинг юқори даражадаги уюшқоқлиги ва самарали ҳамкорлигига қаратишдан иборат.

Тўртинчидан, барча бўғиндаги профессионал ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бизнинг эътиборимиз марказида бўлиб қолиши зарур.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мутлақо янги Қуролли Кучлар академиясини ташкил этиш бу йўналишдаги биринчи қадам бўлиши даркор. Ушбу ўқув маскани Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг шонли ҳарбий анъаналарини ва ҳозирги мавжуд академия ҳамда мамлакатимиздаги етакчи илмий-таълим муассасаларида тўпланган фаолият тажрибасини ўзига қамраб олиши керак.

Ишончим комил, бу академия ҳарбий таълимнинг ягона тизимида ҳақиқатан ҳам асосий ўринни эгаллайди, том маънода ҳарбий илм-фан марказига айланади. Академияда лейтенантлар тайёрлаш, фаолият кўрсатаётган офицерлар малакасини ошириш ва шунингдек, армиямиз бошқарув таркибидаги қўмондонлик кадрларини махсус тайёргарликдан ўтказиш давом эттирилади.

Бу вазифани амалга оширишда биз таълим жараёнига энг янги усул ва технологияларни жорий этишимиз, ўқув аудиторияларини замонавий тренажёрлар, ўқув ва лаборатория асбоб-ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозлашимиз лозим.

Академия тингловчиларининг умумий маданиятини ошириш, уларнинг дам олиши ва спорт билан шуғулланиши учун барча қулай шароитларни яратишимиз даркор.

Бу жараёнда ҳарбий билим юртида ҳақиқатан ҳам таълим олишга муносиб, юксак ақл-заковат ва етакчилик қобилиятига эга бўлган ёшларни аниқлаш учун уларни ўқишга танлаб олишда талабни ошириш лозим. Шу мақсадда мамлакатимизнинг ҳар бир минтақасида икки-учтадан коллеж ва лицейни белгилаб қўйиш керак. Ана шу коллеж ва лицейлар ўзларининг асосий вазифалари билан бирга, олий ҳарбий ўқув юртларига кирадиган ёшларни чуқур тайёрлаш билан ҳам шуғулланади.

Бундан ташқари, барча олий ҳарбий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркибини тайёрлаш, жумладан, уларнинг хориждаги етакчи олий таълим муассасаларида малака ошириш имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бешинчидан, қўшинларни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан қайта таъминлаш – бугунги ва истиқболдаги энг муҳим вазифамиздир.

Афсуски, бу масала биз кутган даражада жадал суръатлар билан амалга оширилмаяпти.

Шу муносабат билан биринчи галдаги вазифа сифатида 2017-2021 йилларга мўлжалланган комплекс дастур ишлаб чиқишимиз керак. Унда ҳарбий аҳамиятга эга маҳсулотлар сотиб олиш, мавжуд техника воситаларини таъмирлаш ва модернизация қилиш, бу борадаги ишларни мақсадли молиялаштириш бўйича аниқ тадбирлар кўзда тутилиши даркор.

Мамлакатимизда ҳарбий саноат мажмуасини барпо этиш вақти келди, деб ҳисоблайман. Шу нуқтаи назардан, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов бошчилигида мудофаа саноати соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш учун масъул бўлган тегишли давлат органини ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш керак. Унинг таркибига Мудофаа вазирлигининг таъмирлаш бўйича барча корхоналарини, шунингдек, Чирчиқ авиация таъмирлаш заводи ҳамда ўқ-дори тайёрлайдиган “Восток” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасини ўтказиш зарур.

Келгусида ана шу корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш билан бирга, илмий-ишлаб чиқариш базасини яратиш, сервис марказлари ва қўшма корхоналар ташкил этишга, шунингдек, мамлакатимизнинг етакчи корхоналарида ҳарбий аҳамиятга эга бўлган айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Олтинчидан,ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш диққатимиз марказида бўлиши даркор. Бу соҳада қабул қилинган давлат дастурини амалга ошириш бўйича янги механизмларни ишлаб чиқиш объектив заруратга айланганини бугун яққол ҳис этмоқдамиз.

Шу мақсадда хизматни ўташ тартиби, фронт орти таъминоти, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларга тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга қаратилган, кўпдан буён ҳаёт талабига айланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишни тезлаштириш муҳим аҳамиятга эга. “Ҳарбий хизматни, ички ишлар ва божхона идораларида хизматни ўтаган шахслар ҳамда уларнинг оила аъзоларини пенсия билан таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қабул қилиш зарур, деб ҳисоблайман.

Маълумки, мамлакатимизда жорий этилган, якка тартибда уй-жойлар қуриш учун узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш бўйича янги тизим бугунги кунда ижобий натижа бермоқда.

Ана шу тизимни ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш бўйича ҳам кенг жорий этиш зарур.

Шу йилнинг ўзида мамлакатимизнинг барча минтақаларида ҳарбий хизматчиларнинг оилалари учун уларга имтиёзли ипотека кредитлари бериш йўли билан уч қаватли 56 та уй-жой биносини барпо этамиз.

Еттинчидан, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича узлуксиз олиб бориладиган ишлар биз учун долзарб аҳамиятга эгадир.

Барчамизга яхши маълумки, ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам фуқароларимизда бизга мутлақо ёт бўлган зарарли таъсирларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш ва Ватанимиз тақдири учун масъулият туйғусини мустаҳкамлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни кўришимиз шарт.

Ана шу мураккаб ишда армия сафларида мардлик ва матонат, Ватанга садоқат билан хизмат қилиш мактабини ўтаган навқирон ўғлонларимиз ишончли таянч ва суянч бўлиб хизмат қилади.

Шу муносабат билан мудофаа ишлари бўйича бошқарма ва бўлимлар бундай ёшлар билан доимо алоқада бўлиши керак. Мазкур бошқарма ва бўлимларнинг бу йўналишдаги ва маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорлик қилиш соҳасидаги ваколатларини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу борада Бош вазир А.Н.Арипов бошчилигида муддатли ҳарбий хизматни ва сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматни ўтаган фуқароларни ишга жойлаштириш бўйича республика комиссиясини, жойларда эса бевосита ҳокимлар раҳбарлигида вилоят, шаҳар ва туман комиссияларини ташкил этиш яна бир амалий қадам бўлур эди.

Сизларга яхши маълумки, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича кўпгина ютуқларга эришмоқда. Шуни эътиборга олган ҳолда, вилоят ҳокимликлари таркибида ушбу кенгашнинг минтақавий бўлинмаларини тузиш орқали унинг имкониятларини кенгайтириш зарур. Бу бўлинмаларнинг ишини ҳарбий округлар қўмондонлиги билан яқин ҳамкорликда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Қадрли дўстлар!

Ҳозиргина баён қилинган барча вазифаларни қатъий ва изчил амалга ошириш биздан миллий армиямизни янада ислоҳ этиш, унинг салоҳияти ва жанговар қобилиятини ошириш бўйича тизимли ишларни давом эттириш ва чуқурлаштириш борасида бутун куч ва имкониятларимизни сафарбар этишни талаб қилади. Айнан шунинг учун мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг бошқа соҳалари каби ушбу йўналишдаги долзарб вазифалар ҳам ҳозирги кунда ишлаб чиқилаётган Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш Ҳаракат стратегиясида аниқ белгилаб берилмоқда.

Ана шу ўта муҳим ҳужжатга биноан мудофаа соҳасидаги қонунчилик базаси, қўшин гуруҳларининг жанговар таркиби, ташкилий тузилмаси, ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва уларнинг сафини тўлдириш самарадорлигини ошириш чоралари кўрилади. Шунингдек, қўшинларни замонавий қурол-яроғ ва техника билан қуроллантириш ҳамда уларни ҳар томонлама таъминлаш масалаларини яхшилашга йўналтирилган аниқ чора-тадбирлар қабул қилинади ва амалга оширилади.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Мана шу қутлуғ айёмда ҳарбий соҳада ўзининг масъулиятли ва шарафли бурчини муносиб адо этаётган мард ўғлонларимиз – аскар ва офицерлар, барча Ватан посбонлари, уларнинг ота-оналарига ўз номимдан, халқимиз номидан самимий миннатдорчилик билдираман.

Сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни бугунги улуғ байрам – Қуролли Кучларимиз ташкил топганининг 25 йиллик санаси билан яна бир бор чин қалбимдан муборакбод этаман.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилаларингизга бахту саодат, Ватанни ҳимоя қилишдек олижаноб фаолиятингизда куч-ғайрат ва ютуқлар тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти,**
**Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони.**



# МУСТАҚИЛ ВАТАНИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЧИЛАРИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов фармони билан 1991 йил 6 сентябрда Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилган. Давлатимиз раҳбарининг 1992 йил 14 январда қабул қилинган қарорига мувофиқ республикамиз ҳудудида жойлашган барча ҳарбий тузилмалар Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тасарруфига ўтказилган.

Ана шу тарихий кун – 14 январь мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари куни сифатида кенг нишонлаб келинмоқда.

Ўтган вақт мобайнида Қуролли Кучларимиз ташкилий ва таркибий жиҳатдан такомиллашди. Тузилмаларнинг ҳаракатчанлиги, жанговар қобилияти, ҳарбийларнинг жисмоний ва маънавий тайёргарлиги ошди. Қисм ва бўлинмалар замонавий қурол-яроғ ва жанговар техника билан таъминланди.

Миллий армиямизни профессионал кадрлар билан тўлдириш, ҳарбий хизматчиларнинг тайёргарлигини, билим ва кўникмаларини янада юксалтириш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда. Ҳарбий ўқув ҳамда машғулотлар илм-фан ва техниканинг илғор ютуқлари асосида ўтказилмоқда. Олий ҳарбий таълим муассасаларида ҳар қандай хавф-хатарни бартараф этишга қодир, тезкор қарорлар қабул қила оладиган, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга офицер кадрлар тайёрланмоқда.

Муддатли ҳарбий хизматга чақирувнинг йилда бир марта амалга оширилаётгани, шартнома асосида хизмат қилиш, сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматнинг жорий этилгани натижасида ҳарбий жамоалардаги маънавий муҳит тубдан ўзгарди. Ҳарбий хизмат ёшларда мустаҳкам ирода ва характерни шакллантирадиган, жисмоний чиниқиш ва юксак инсоний фазилатлар камол топадиган ўзига хос мактабга айланди. Натижада ёшлар орасида ҳарбий хизматга қизиқиш тобора ортиб бораётир.

Муддатли ҳарбий хизматга танлов асосида қабул қилинаётгани армия сафларини жисмоний тайёргарлиги ва интеллектуал салоҳияти юксак йигитлар билан тўлдиришда муҳим омил бўлмоқда. Бунинг самарасида аскарлар жанговар тайёргарлик дастурларини, замонавий техника ва технологиялардан фойдаланишни пухта ўзлаштирмоқда.

Ватан ҳимоячиларининг хизматни ўташ ва яшаш жойларидаги ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, резервга бўшатилган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳам доимий эътиборда.

Ҳарбий хизматчилар учун янги турар-жойлар қуриш, мавжуд турар-жой фондини таъмирлаш, замонавий ҳарбий шаҳарчалар барпо этиш ва реконструкция қилиш, узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар сотиб олиш ва якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ер участкалари ажратиш йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Янги йил байрами арафасида ҳам мамлакатимизнинг кўплаб ҳудудларида ҳарбийлар учун янги уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Юзлаб ҳарбийларимиз Янги йилни янги уйда кутиб олди.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасини олган ёшлар мамлакатимиз олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 27 фоизи миқдорида имтиёзли баллга эга бўлмоқда. Бу уларнинг олий ўқув юртларига ўқишга кириб, касб-ҳунар эгаллаши, ҳаётда ўз ўрнини топишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу йил Ватан ҳимоячилари куни мамлакатимизда “Ўзбекистон – мустақил Ватанимиз, миллий армиямиз фахру ғуруримиз!” шиори остида нишонланмоқда. Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан ушбу мавзуда ҳарбий қисм ва бўлинмаларда, барча вилоятларда, олис қишлоқ ва маҳаллаларда кўплаб учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Уларда тинчлик-осойишталикнинг қадри, бу азиз неъматни асраб-авайлашга барча бирдек масъул экани кенг тарғиб этилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги фармонига мувофиқ, Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 25 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари – орден ва медаллар билан тақдирланди. Ушбу юксак мукофотларни Давлатимиз раҳбари тантанали равишда топширди.

– Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик халқимизнинг энг катта бойлигидир, – дейди Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаби бошқармаси бўлими катта офицери, “Содиқ хизматлари учун” медали соҳиби Фазлиддин Аҳмадиллаев. – Мен ана шу бойликни асраб-авайлаш, мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашга ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман. Ватанимизнинг юксак медалини кўксимга тақиш менга янада ғурур-ифтихор бағишлайди. Бундай ишончни оқлаш, халқимиз тинчлиги ва фаровонлиги, фарзандларимиз келажагини ҳимоя қилиш учун бор кучимни сарфлайман.

Қуролли Кучлар офицери Лазиз Усмонов, аскар онаси Лайло Жўраева, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси Иқбол Мирзаалиев ва бошқалар байрам қатнашчиларини Ватан ҳимоячилари куни билан табриклаб, Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевга ҳарбий хизматчиларга кўрсатилаётган улкан эътибор учун самимий миннатдорлик билдирди.

Тантанали маросим катта байрам концерти билан якунланди.

**(ЎзА)**

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Реклама ҳуқуқида

# БАНК САРМОЯСИ ЭЗГУ ИШЛАРГА МАДАД БЎЛМОҚДА

O'ZSANOATQURILISHBANK

**2017 йилнинг юртимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилиниши, барча соҳаларда шунга ҳамоҳанг тарзда аниқ мақсадни кўзлаб бошланган ишлар юртдошларимиз кўнглида эртанги кунга бўлган ишончни тобора мустаҳкамлаётир.**

Албатта, бу борадаги саъй-ҳаракатлар юртимиз тижорат банклари томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида алоҳида таъкидлаган долзарб масалалардан келиб чиқиб, қатор ишлар амалга оширияпти. Жумладан, ҳар бир оила билан мулоқот қилиш орқали фуқароларни тадбиркорликка жалб этиш, уларга бу йўлда қулай имкониятлар яратишга доир амалий ишлар кўплаб оилалар фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётгани қувонарли ҳолдир. Буни “Ўзсаноатқурилишбанк”дан кредит маблағи олиб, тадбиркорлик ишини бошлаган кишилар фикридан ҳам англаш мумкин.

**Фарҳоджон ХОЛМАТОВ,**
*Фарғона шаҳри “Нафосат” МФЙ Мурувват кўчасида яшовчи фуқаро:*

Ўтган йили коллежни тугаллашим арафасида банклар томонидан коллеж битирувчиларига имтиёзли равишда берилаётган кредитдан олишни ўйлагандим. Бироқ бу борада пухта режам бўлмаганлиги, олган маблағни ўрнида ишлатиш, вақти келиб қайтариш масалаларида аниқ қарорга кела олмаганим боис, кредит расмийлаштиришга иккилангандим.

Яқинда эса “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Фарғона минтақавий филиали ходимларининг хонадонимизга ташрифи мазкур масалада ўзимга бўлган ишонч ва қатъиятни оширди. Банк ходимлари турли йўналишдаги кредит турларини таклиф этиб, мавжуд шартларни батафсил тушунтирди. Уларнинг намунавий бизнес режаларни кўрсатиб, бу бўйича ҳам зарур маълумотларни бергани, шахсий томорқа юритиш, хонадонда чорвачиликни йўлга қўйиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш сингари йўналишларни таклиф қилгани менга дадиллик бағишлади.

Оиламизда ишчи кучи етарли. Шахсий томорқамиз эса 8 сотихдан иборат. Экин-тикин қилишга етарлича шароит мавжуд. Шуларни ҳисобга олиб, банк ходимларининг тавсиясига кўра, қолаверса, оиламиз билан келишган ҳолда, чорва учун 7 миллион сўм кредит расмийлаштирдик. Ушбу маблағга қорамол сотиб олдик. Банк ходимларининг бу саъй-ҳаракати оиламизга қувонч бағишлаш баробарида, дастурхонимизга янада тўкинлик, барака ҳам олиб келди. “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг бу каби эзгу ишларидан ниҳоятда мамнунмиз.

**Қувончбек РАЖАПОВ,**
*Қашқадарё вилояти Қамаши тумани Қизилтепа шаҳарчасида яшовчи фуқаро:*

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, тадбиркор бой бўлса, давлат бой бўлади, халқимиз тўқ-фаровон яшайди.

Очиғини айтсам, кўнглимда шу мамнунлик билан бирга, тадбиркорлик фаолиятига астойдил ҳавас, интилиш бор эди. Бироқ бу масала, аввало, маблағга боғлиқ эканлиги режаларимни рўёбга чиқаришим учун тўсқинлик қиларди.

Яқинда “Ўзсаноатқурилишбанк” вилоят филиали ходимларининг қишлоғимизга келиб, “Оддий аҳолини тадбиркор қилиш” мавзусида ўқув семинари ташкил этгани эса бу борада мени қийнаётган муаммога чек қўйди. Семинарда қатнашар эканман, кўнглимда “Тадбиркорлик борасидаги режаларимни амалга оширишим учун имконият бор экан... Демак, энди мен ҳам тадбиркор бўла оламан” деган қатъий ишонч пайдо бўлди.

Банк ходимлари хонадонимизга бориб, мавжуд имкониятларимизни ўрганиб чиқишди. Кредит турини танлашим учун намунавий бизнес режаларини кўрсатишди. Биргаликда шу қарорга келдикки, паррандачиликни йўлга қўйиш режаси ҳар жиҳатдан мос экан. Чунки 8 сотихдан иборат шахсий томорқамизда паррранда парваришлаш учун барча шароитлар етарли.

Эътиборлиси, кредитни расмийлаштириш ҳамда уни олишга доир барча ишлар ҳеч бир қийинчиликсиз, қисқа фурсатда амалга оширилди. Банкнинг 5 миллион сўмлик сармояси эвазига 1 минг 600 та бройлер жўжаларини харид қилдим. Ҳозирда фаолиятимиз анча изга тушди. Муҳими, мазкур лойиҳани амалга ошириш билан кўнглимда тадбиркорлик фаолиятимни келгусида янада кенгайтириш, янги лойиҳалар устида ишлаш истаги уйғонди. Албатта, бу режаларим рўёбида ҳам “Ўзсаноатқурилишбанк” мададига таянаман.

***Хизматлар лицензияланган.***

## Эълонлар

Тошкент ш. Учтепа т. “Ягона дарча” марказида (№ 007962-01, 18.05.2016 й.) давлат рўйхатидан ўтган “XOLIDA MED” МЧЖ (СТИР 303945300) таъсисчининг 11.01.2017 й.даги қарорига асосан тугатилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида Тошкент ш. Учтепа т. Садоий кўч. 13-уйда қабул қилинади. Тел.: (97) 442-63-39.

Тошкент ш. Яккасарой т. ҳокимлиги томонидан (25.10.2000 й., реестр № 11-01491) рўйхатга олинган “TOSHKENT SHAHAR SOG'LIQNI SAQLASH BOSH BOSHQARMASI SUD-TIBBIY EKSPERTIZA BYUROSI”нинг (СТИР 203407774) фаолияти норентабеллиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 й. апрелдаги ПҚ-630-сон қарорига асосан тугатилади.

Тошкент ш. Бектемир т.даги 290-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2011 й.да Мирзаалиева Умеда Рахматуллаевна номига берилган U № 5717710 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Яккасарой т. ТСРЎИда (реестр № 004307-11, 20.01.2009 й.) рўйхатга олинган “BAKER HUGHES USTYURT SERVICES” МЧЖнинг (СТИР 301033661) фаолияти норентабеллиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 й. апрелдаги ПҚ-630-сон қарорига асосан тугатилади.

“ECO PAPER” МЧЖ номига берилган думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент давлат аграр университети томонидан 2008 й.да Саипов Камалидин Саидович номига берилган B № 292169 сонли (4350-рўйхат рақамли) бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. “Ягона дарча” марказида (09.08.2016 й., реестр № 008145-01) рўйхатдан ўтган “TOXIROV IBROXIM TRANS SERVIS” МЧЖнинг (СТИР 304231073) устав фонди 500 000 000 сўмдан 220 000 000 сўмгача камайтирилади.

